



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ ТИЗИМИДА ДАЛИЛЛАРНИ ИЧКИ ИШОНЧ АСОСИДА БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛИ

Бозоров Ёдгор Ашурович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори*

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят процессуал тамойиллари тизимида далилларни ички ишонч асосида баҳолаш тамойилининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Энг муҳими жиноят процессининг мустақил принципи сифатида исботлаш субъектининг ички ишончига кўра далилларни баҳолашни асослашга ҳаракат қиламиз. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Қалит сўлари: жиноят процесси, тамойиллар, далиллар, ички ишонч, алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончилиги, ўзаро боҳлиқлиги, жиноят иши, онг, ҳуқуқий билим, ҳақиқат.

Жиноят процесси принциплар ҳақидага ҳар қандай савол доимо мунозарали ҳисобланади. Негаки, ҳуқуқ принциплари орқали биз, жиноят процессининг асосий тузилиши, мазмун-моҳияти ва асосий мақсадларини акс эттиради.

М.Х.Рустамбаев, ҳақли равишда, “принциплар демократик давлатнинг асосий сиёсатини ва йўналишини белгилайди, шунингдек етакчи ғоялар ва асосий қоидаларидир”.³⁸

А.Тошпўлатовнинг фикрича, принциплар ҳуқуқ фанининг муҳим институтлардан бири бўлиб, иш юритиш муносабатларини белгилайди, асосий йўналтирувчи мўлжал ва мезон бўлиб хизмат қилади.³⁹

Чиндан ҳам, принциплар бутун ҳуқуқ нормаларини шаклланишига, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахслар ҳаракатига таъсир қилади. Умуман олганда, принциплар инсон қисматига, ўзаро муносабатларнинг шаклланишига ва инсонпарварлик аҳамиятига эга.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида мустаҳкамланган барча қонуний талаблар жиноят процессуал далиллар тўплашнинг, текширишнинг ва баҳолашнинг бутун жараёнига, шу жумладан,

³⁸ Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Jinoyat haqidagi ta’limot. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan. T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. 8-b

³⁹ Тошпўлатов А.И. Жиноят-ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт. Автореф.дисс...юридик. фан. докт (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 35.

исботланиши зарур бўлган барча ҳолатларга бевосита боғлиқ.⁴⁰ Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш тартиби қонун билан қатъий тартибига солинади. Иш бўйича ҳақиқатдан оғишиш, келгусида тўпланган далилларни номақбул топишга сабаб бўлади. Демак, мақбул деб топилмаган далиллар келгусида юридик кучга эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдиги 07-сон “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорида далилларни баҳолаш чоғида бевосита ишга учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, инкор этувчи ёхуд шубҳа остига олувчи фактлар ҳақидаги маълумотлар номое қилган тақдирдагина ишга алоқадор деб тан олиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Исботлаш субъектлари томонидан далилларни такшириш натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб топилади.⁴¹

Ушбу параграфда, биз жиноят процессининг мустақил принципи сифатида исботлаш субъектининг ички ишончига кўра далилларни баҳолашни асослашга ҳаракат қиламиз. Албатта, бу масала тадқиқ қилиш тасодифий эмас, чунки далилларни ички ишонч асосида баҳолаш - иш фаолиятининг муваффақияти боришига яъни ишни кўп жиҳатдан тўғри ҳал қилинишига боғлиқ бўлган масаладир.

Ҳар бир тадқиқ қилинаётган ва таклиф этилаётган принциплар асослантирилиши керак, бу илмий ишнинг зарурий элементидир. Агар принциплар тизимнинг элементи сифатида қаралса, ва тавсия этилса учта асосий мезонга яъни алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги жавоб бериши керак. Бундан ташқари, жиноят процессининг бошқа принципларига мувофиқлиги нуқтаи назардан атрофлича ўрганишимиз зарур. Бизнингча, шундагина етарлича асослантирган деб таъкидлаш ўринли бўлади.

Далилларни баҳолаш етакчи ғояларни асосий принцип сифатида алоҳида моддада кўрсатиш бўйича кўплаб илмий баҳслар мавжуд. Жиноят процессида далилларни ички ишонч асосида баҳолаш принципи сифатида алоҳида моддада кўрсатиш бўйича кўплаб процессуалист олимлар ўз тадқиқот ишларида таҳлил қилганлар. Жумладан, М.А. Чельцов, Н.Н. Полянский, И.Д. Перлов, Г.М. Резник, Ю.К. Орлова, А.В. Гриненко ва бошқалар.

Хусусан, А.В. Гриненко, жиноят процессида далилларни ички ишонч асосида баҳолаш принципи – конституциявий асосларга эга.⁴² Ҳақиқатдан ҳам, келтириб ўтилган принцип конституциявий мақомга эга. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига биноан, одил судловни амалга ошириш чоғида қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.⁴³ Ушбу конституциявий принцип, бевосита жиноят процессуал қонунчиликдаги далилларга баҳо бериш билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ушбу қоида ЖПК 95-моддасида ўз аксини

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдиги 07-сон “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори.

⁴² Гриненко А.В. Конституционные основы досудебного уголовного процесса в Российской Федерации. М. 2000.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

топган. Агар ЖПК 95-моддаси мазмунига эътибор берадиган бўлсак, қонун чиқарувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг барча фаолиятини (шахс ва органлар) фақат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ амалга ошириши кераклигини таъкидлайди. Фақат ушбу шахс ва органларга тушунтириш ва баҳо беришга ваколат берилган. Шунингдек, жиноят процесси бошқа иштирокчилари жумладан айблов ва ҳимоя тарафи бўлган иштирокчилари ва бошқа иштирокчилар ўларга йўлланган қонуний кўрсатмаларни бажаришлари шарт. Агар, далилларга баҳо бериш принцип сифатида мустаҳкамланса, ўйлашимизча, жиноят процессуал далилларнинг бутун жараёни, шу жумладан унинг намоён бўлишининг барча соҳалари ва шакллари бўйича бевосита боғлиқ бўлар эди.

Айрим олимлар, далилларни ички ишонч асосида баҳолаш принципини, жиноят процесси принцип қаторига қўшмаганлар, негаки ушбу принцип судьянинг мустақил принципининг элементи сифатида қаралади.⁴⁴

Г.М. Резник ушбу фикрларга қўшилмаган. Унинг айтишича, далилларни ички ишончга кўра баҳолаш суд мустақиллиги принципининг бир қисми сифатида қараш нўтоғридир, чунки суд мустақиллиги формуласи далилларни баҳолаш қоидаларини асослашга қодир эмас. Бир қатор процессуал кафолатлар билан қўллаб-қувватланадиган судьяларнинг мустақиллиги муайян иш бўйича далилларни баҳолашда маълум бир судьянинг ички ишончини шакллантириш шартидир.⁴⁵

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 136-моддасига кўра, судьялар мустақиллиги принципи шундан иборатки, судьялар одил судловни амалга оширишда Конституция ва қонунларга итоат этадилар.⁴⁶ Демак, ҳар бир қонуний талабни бажарилишини назорат қилиш мумкинлигини назарда тутати. Ички ишонч мавжудлиги ёки йўқлигини назорат қилиб бўлмайди.⁴⁷ Бундан ташқари, ички ишончнинг мавжудлиги ёки йўқлиги процессуал аҳамиятга эга эмас. Ички ишончни шакллантиришни қонуний мажбурият деб ҳисоблаб бўлмайди. Ички ишонч фақат касбий этика ва ҳуқуқий онг доирасидагина мажбурийдир. Далилларни ички ишончга асосланган ҳолда баҳолаш албатта иш материалларига асосланиши ва алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назардан баҳоланиш керак.

Шунингдек, биз, юқоридаги параграф таҳлилларимизда, агар судья фақат формал (Конституция ва қонунларга бўйсундилар) баҳолайдиган бўлса, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қайд этганимиз, ва мисоллар билан келтирганмиз. Шунинг учун, судья далилларга баҳо беришда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради, ишни ҳал қилишда ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиш, тўлиқ (ички ишончга асосланган далилларни баҳолашнинг моҳияти алоқадорлиги, мақбуллиги ва

⁴⁴ Ларин Л.М., Мельникова Э.Б., Савицкий В.М. Уголовный процесс России. Лекции-очерки /Под ред. Савицкого В.М..1997.С.61-67; Уголовный процесс /Под ред. Гуценко К.Ф. М., 1997.С.58-72.

⁴⁵ Резник Г.М. Внутреннее убеждение при оценке доказательств. М.,1977 .С.49-50.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

⁴⁷ Карнеева Л.М. Привлечение к уголовной ответственности. Законность и обоснованность. - М.: Юрид. лит.,1971. - С. 124.

ишончилиги билан боғлиқдир ҳамда эркин) ва тўғри ҳал қилиш мазмунда талаб қиладиган тарзда амалга оширади.

Бундан ташқари, судьяларнинг мустақиллиги принципи, далилларни ички ишончга кўра баҳолаш тамойилининг мазмунини ўзига сингдира олмайди, чунки у ерда фақат судья ҳақида гап кетмоқда, далилларни ички ишончга кўра баҳолаш принципи суриштирувчи, терговчи, прокурорга ҳам тегишли.

Т.З. Егоров, далилларни эркин баҳолаш принципи ўзига хос хусусиятларга эга ва муҳим принциплардан биридир. Негаки, бу тамойил бутун жиноят иш юритиш принципларига тааллуқли, боғлиқ ва жиноят процесси мазмунини акс эттиради. Шу билан бирга, далилларни баҳолаш принципи марказий принципи сифатида баҳоланиши, биринчидан исботлаш тизимига таъсир қилади, иккинчидан жиноят процессуал ҳуқуқнинг бутун тизимини шакллантиришга хизмат қилади.⁴⁸

Дарҳақиқат, бизнинг фикримизча, суриштирув, тергов ва суд жараёнларини далилларсиз юритиш мантиқсизлиқдир, бундан ташқари жиноят процесси тушунчаси ва унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни мумкин бўлмаган воситалари ва усуллари орқали эришиш мумкинлигини яъни постулатликка⁴⁹ олиб келади.

Е.Д. Горева, далилларни эркин баҳолаш принципига алоҳида ёндашиб таҳлил қилган. Унинг фикрича, далилларни эркин баҳолаш принципи судьяни ички ишонч эркинлигини бузилишини олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, далилларни эркин баҳолаш принципи албатта, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги билан комплекс амалга оширилади. Худди шундай фикрларни, С.М. Раҳманова ва Г.З. Тўлагановалар қўллаб-қувватлайдилар.⁵⁰ Алоҳида тамойил сифатида ўрнатилиши, бировнинг кўрсатмалари билан эмас, балки қонун ва виждон билан ҳаракат қилишга ундайди.⁵¹

Мазкур принципнинг мазмун-моҳияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчига, айбланувчига зиммасига исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, далилларни эркин баҳолаш принципи бошқа принципларни бир-бири билан боғлиқдир.⁵²

Бизнингча, далилларни эркин баҳолаш принципини ўрнатилиши жиноят ишида қатнашаётган иштирокчиларни аниқ функциясини ҳам белгилаб (исботлаш субъектларига бир томондан ҳуқуқ, иккинчи томондан мажбурият юклайди) беради. Яъни, жиноят процессида процессуал қарор қабул қилувчи исботлаш субъектлари доирасини аниқ белгилаб беради. Бу императив шаклда амалга оширилади ва бу асосий

⁴⁸ Егорова Т.З. Средства доказывания и их оценка в судебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. - Челябинск, 2003. - С. 3.

⁴⁹ Постулат – исботсиз ҳам қабул қиланаверадиган дастлабки қоида, фараз.

⁵⁰ Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To‘laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. - B. 167.

⁵¹ Горевой Е. Д. Внутреннее судебное убеждение в оценке доказательств по уголовным делам: теория, законодательство, право применительная практика. Курск – 2006. 35 с.

⁵² Гриненко А.В. Конституционные основы досудебного уголовного процесса в Российской Федерации. М. 2000. 75 с.

ғоялар конституциявий мустаҳкамланган.

Мисол учун, *Россия Федерациясининг* Жиноят-процессуал кодекси 17-моддасида, “Далилларга эркин баҳо бериш” принцип деб алоҳида кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ, судья, халқ маслаҳатчилар, шунингдек прокурор, терговчи, суриштирувчи қонун ва виждонга амал қилган ҳолда, жиноят иши бўйича мавжуд бўлган далилларнинг йиғиндисидан келиб чиқиб, далилларни ички ишончига кўра баҳолайдилар. Ҳеч қандай далил олдиндан белгиланган кучга эга эмас.⁵³

Худди шунга ўхшаш қоида, *Қозоғистон Республикасининг* Жиноят-процессуал кодекси 25-моддасида, мустаҳкамлаб қўйилган.⁵⁴ Фақат модданинг номида фарқли жиҳатлари мавжуд, яъни “Далилларни ички ишонч асосида баҳолаш” деб номаланади. *Молдова Республикасининг* Жиноят-процессуал кодекси 27-моддасида ҳам “Далилларни эркин баҳолаш” деб номаланади, модданинг мазмун-моҳияти Россия ЖПК билан ўхшашдир.⁵⁵

Шунга ўхшаш қоида, *Қирғизистон Республикасининг* Жиноят-процессуал кодекси 22-моддасида белгилаб қўйилган.⁵⁶ Аммо, иккинчи қисм мазмунида ўзгача ёндашилганини кўришимиз мумкин, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан судга қадар жараёнида баҳоланган далиллар, судья учун ҳеч қандай мажбурий аҳамиятга эга эмас деб мустаҳкамлаб қўйилган. *Белоруссия Республикасининг* Жиноят-процессуал кодекси 19-моддасида ҳам, Россия, Қозоғистон каби қоидаларни ўрнатган. Бироқ, *Қирғизистон* ЖПК каби модданинг иккинчи қисмида суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суд учун ҳеч қандай далил олдиндан белгиланган кучга эга эмаслиги таъкидланган.⁵⁷

Юқоридаги келтирилган давлатлар ЖПК далил олдиндан белгиланган кучга эга эмас деган тушунчаси, бизни қизиқтириб, бироз ёритиб ўтишга қарор қабул қилдик. Ҳеч қандай далиллар олдиндан белгиланган кучга эга эмас, бу шуни англатади, жиноят процессининг турли босқичларида иш бўйича қабул қилинган хулосалар ва чиқарилган қарорлар учун баҳо берувчи субъектлар учун ҳеч қандай далил олдиндан белгиланган кучга эга эмас. Мисол учун, гувоҳнинг кўрсатмаси олдиндан 100% ҳақиқат деб қабул қилинмаслиги керак, шунинг учун қонун, иш бўйича тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиқиб, бошқа мавжуд ҳолатлар инобатга олган ҳолда (асослар) баҳо беришни назарда тутади. Ёхуд, иш кўришнинг турли босқичларида судьялар далилларни турлича

⁵³ “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 22.04.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.05.2024).

⁵⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.05.2024 г.).

⁵⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 28.12.2023 г.).

⁵⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 22.07.2021 г.).

⁵⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 17.07.2023 г.).

баҳолашлари мумкин. Демак, судьялар турли босқичларда далилларни ишончли, мақбул ёки мақбул эмас деб топишлари мумкин. Шунингдек, агар биз иш бўйича тўпланган далилни олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга деб топсак, унда барча жиноят процессуал қонунчилик тизимига таъсир қилишига олиб келар эди, мисол учун, **а) айбсизлик презумпцияси; б) далилларни тақдим этишида тенглик, тортушувчанлик; в) суд босқичида судья фақат айблов ҳукмини чиқаришига мажбур бўлар эди; г) процессуал босқичларни соддалашига олиб келар эди; д) бир томонлама суиистеъмоликларга олиб келар эди; е) мисол учун, агар айбланувчи ўз айбига иқрор бўлса, унинг иқрорлиги жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар мажмуи билан тасдиқланмасдан айблаш учун асос бўлиши мумкин.**

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. [“Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ \(ред. от 22.04.2024\) \(с изм. и доп., вступ. в силу с 15.05.2024\).](#)
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. *(с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.05.2024 г.).*
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV *(с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 28.12.2023 г.).*
4. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. *(с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 22.07.2021 г.).*
5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-3 *(с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 17.07.2023 г.).*
6. Егорова Т.З. Средства доказывания и их оценка в судебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. - Челябинск, 2003. - С. 3.
7. Постулат – исботсиз ҳам қабул қиланаверадиган дастлабки қоида, фараз.
8. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To‘laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. - B. 167.
9. Горевой Е. Д. Внутреннее судебское убеждение в оценке доказательств по уголовным делам: теория, законодательство, право применительная практика. Курск – 2006. 35 с.
10. Гриненко А.В. Конституционные основы досудебного уголовного процесса в Российской Федерации. М. 2000. 75 с.